СЎНГГИ СОАТДА

ТЕЛЕФОН УЙҒОТИБ ҚЎЯДИ

БУХОРО. Бир йил аввал Бухоро алоқачилари Жанубий Кореянинг "ДЭУтелеком" корпорацияси билан 30 минг абонентга хизмат қиладиган 3, 4, 5-телефон тармоқларини электрон рақамли станция билан алмаштириш борасида шартнома тузишганди. Янги телефон станция ишга туширилди. Бунинг эскисидан фарқи шундаки, сўзлашувлар жараёнида рақамларнинг алмашиши, алоқанинг узилиб қолиши каби нохушликлар бўлмайди. Мижозларга 36 хил хизмат кўрсатиш мумкин. Жумладан, код орқали берилган топшириққа асосан телефон мижозларни уйғотиб ҳам қўяди.

Даврон БАҲРОНОВ.

воқеалар, хабарлар

ҚИШЛОҚДА ТЎҚИМАЧИЛИК ҚОРХОНАСИ

ФАРҒОНА. Тошлоқ туманида Жанубий Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси билан ҳамкорликда катта тўқимачилик корхонаси барпо этиляпти. Қишлоқда қурилаётган бу корхона фойдаланишга топширилгач, қарийб 800 киши иш билан таъминланади. Йилига 12,5 минг тонна йигирилган ип маҳсулотлари чиқарилади. Маҳсулотнинг 80 фоизи Оврўпо мамлакатларига экспорт қилинади. Шу кунларда бир гуруҳ ёшлар Жанубий Корея корхоналарида малака оширмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ.

УРГАНЧ ЭКСКАВАТОРИ

ХОРАЗМ. Урганч экскаватор заводининг қиёфаси кейинги беш йилда ўзгариб кетди. Илгари бу ерда эҳтиёт қисмлар тайёрланарди. Ҳозир экскаватор ишлаб чиқаришга киришилди. Шу йилнинг биринчи ярмида 14 та экскаватор тайёрланиб, эҳтиёжманд жойларга етказиб берилди. Ўтган йилга нисбатан 3450 минг сўмлик маҳсулот кўп тайёрланди. Йил охиригача "Урганч" экскаваторлари 24 тага етказилади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

янгиликлар, фактлар

"ҲАВАС"ГА УМИД БОҒЛАБ

СИРДАРЁ. Гулистонда биринчи марта вилоят ҳокими соврини учун теннис бўйича "Умид" мусобақаси ташкил этилди. Тошкентда бўлиб ўтган "Ҳавас"ни эслатувчи бу баҳсда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этдилар. Гулистон шаҳар ҳокими А. Абдуллаев билан вилоят ҳокими ўринбосари С. Жабборов ўз гуруҳларининг ғолиблари бўлдилар.

Абдужалил УМАРОВ.

ҲАМКОРЛИК ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБИГА

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси Андижон ҳудудий бўлими ва "Ҳамкорлик" жамғармасининг таъсис мажлиси бўлди. Йиғилишда ватандошлар билан алоқаларни кенгайтириш, ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш хусусида қимматли фикрлар айтилди. Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Саидов республика уюшмасининг Андижон ҳудудий бўлими раиси этиб тайинланди. "Ҳамкорлик" жамғармаси ҳисобига эса 450 минг сўм ўтказишга қарор қилинди.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 19 сентябрь, пайшанба № 122 (22.043).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

НАМАНГАН, 18 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади.

Президент Ислом Каримов кеча ўзининг Фарғона водийси бўйлаб сафарини давом эттириб, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги пахта далаларида бўлди. Хўжаликнинг Асалхон Расулова ва Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригадаларида плёнка остига ва очиқ майдонларга экилган ғўзаларни кўздан кечирди. Пахтачиликдаги янги усулнинг афзалликлари ва ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатлари хусусида деҳқонлар билан батафсил суҳбатлашди. Шунингдек, Шаҳрихон тумани Тошмуҳаммад Саримсоқов номидаги жамоа хўжалигига борди. Шу тумандаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Содиқжон Абдурасулов билан Андижонда ғалла уруғчилиги мактабини яратиш борасида фикрлашди. Андижон шаҳридаги «Наврўз» стадионини бориб кўрди. Футбол майдонини замонавий талаблар даражасида таъмирлаш юзасидан тавсиялар берди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Наманган вилоятига сафари пайти.

ЎзА олган сурат.

Ислом Каримовнинг Наманган вилоятига сафари эса Норин туманидан бошланди. Президент Норинкапа қишлоғидаги хўжалик моллари магазинини кўздан кечирар экан, бу ердаги савдо хизмати паст даражада экани, товарлар ассортименти камлигига эътиборни қаратди. Қишлоқ аҳли турмуш даражасини яхшилаш, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида суҳбатлашди. Мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди.

Мамлакатимиз раҳбари Учқўрғон туманидаги «Яшиқобод» ҳамда «Қўчқорота» жамоа хўжаликларида пахтачиликни ривожлантириш, аҳоли маданий-маиший шароитини яхшилаш, одамларни иш билан банд этиш муаммолари қандай ҳал этилаётгани билан қизиқди.

Президент эллик гектар майдонни эгаллаган Наманган — Учқўрғон сув тиндириш иншоотини бориб кўрди. Бу иншоот Наманган шаҳри, Уйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон, Наманган туманлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашга хизмат қилади.

Ислом Каримов Наманган шаҳридаги «Аснам текстил» ўзбек-турк қўшма корхонаси фаолияти билан танишди, мазкур ип-йигирув фабрикасининг раҳбар ва муҳандислари билан суҳбатлашди. «Авон» қўшма корхонасида тайёрланган велосипедларни кўздан кечирди.

Мингбулоқ нефть кони иқтисодий мустақиллигимизни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ислом Каримов бу ерда пармалаш ишлари қандай бораётгани билан танишди. Ишни Ўзбекистоннинг бугунги эҳтиёжи ва келажак истиқболларини кўзда тутувчи аниқ дастурлар асосида ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Наманган шаҳридаги «Дўстлик» теннис мажмуини шу соҳа мутахассислари маслаҳатлари асосида янада такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Президент Ислом Каримовнинг Андижон ва Наманган вилоятларига сафари давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар инсон учун, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун ўтказилаётгани қайта-қайта таъкидланди. Мулоқотлар чоғида бу йўлни халқимиз қизғин қўллаб қувватлаётгани намоён бўлди.

Ислом Каримовнинг Наманган вилоятига сафари чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев ҳамрохлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Демократик тартиботлар қарор топган мамлакатларда оммавий ахборот воситаларини ҳурмат билан «тўртинчи ҳокимият», деб аташади. Туб ислоҳотлар йўлидан қатъий бораётган мустақил Ўзбекистон матбуоти ана шу даражага қандай қилиб эришади? Бунинг учун нималар қилиш, жумладан, Ўзбекистон ХДП журнал ва газеталари мазкур ишга қандай ҳисса қўшишлари керак? Бундай ва шу каби масалалар Ўзбекистон ХДП нашрлари ходимларининг партия Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинарида атрофлича муҳокама қилинди. Унда «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали таҳририятларининг ижодкорлари, ХДП вилоят кенгашларининг «Истиқбол сари» (Жиззах), «Олтин диёр» (Навоий), «Халқ иродаси» (Наманган), «Регистон» (Самарқанд) ва «Қарақалпақстан ҳаўазы» рўзномалари муҳаррирлари қатнашдилар.

Семинар - кенгашда «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган вазифаларни бажаришда партия матбуотининг ўрни» ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Анжуманда, шунингдек, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси фаолиятини такомиллаштириш, «Мулоқот» журнали саҳифаларида халқимизнинг маданий меросини қайта тиклаш, маънавиятини янгилаш мавзуларининг ёритилиши ҳамда уларнинг ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ўрни сингари долзарб масалалар хусусида фикр юритилди.

Семинар ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

МАЪНАВИЯТ — БЕБАҲО БОЙЛИК

ФАРҒОНА. Вилоят ҳокимлигида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштиришга оид йиғилиш бўлди. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг раислари ва кўп сонли маданият ходимлари ўзаро фикрлашдилар. Вилоят ҳокими М.Исломов маънавиятимизни янада бойитиш борасида сўз юритди. Йиғилишда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузуридаги халқаро «Олтин мерос» жамғармаси бош маслаҳатчиси Н. Муҳиддинов маънавиятимиз барқарорлиги ҳақида мулоҳаза юритди.

И. АЛИШЕРОВ.

ОТ МИНГАН РАҲБАР

ҚАШҚАДАРЁ. Косон туманидаги «Сурхон» жамоа ширкат хўжалиги раҳбари хизмат машинаси қолиб, отда дала кезаётибди. «Отда юриб дала айланишнинг гашти бўлакча бўлади, — дейди хўжалик раҳбари Ўткир Ниёзов. — От юрган жойдан машина юрмайди. Ортиқча сарф-харажатнинг кераги йўқ. Машина учун эса шофёр керак. От минсанг ёнилғи ва эҳтиёт қисмларга ўрин қолмайди». Балки раҳбарнинг айтганича бордир. Энди от минишни бошқалар ҳам ҳавас қилиб қолишса, ажабмас.

И. КАРОМОВ.

Хорижда

«ФОЙДАЛИ» ЁМҒИР ЁҒАЖАК

Ҳиндистон об-ҳавони кузатиш маркази директори жаноб Раб Кришнанинг таъкидлашича, яқин кунларда қитъа бўйлаб шифобахш ёмғир ёғаркан.

Кузатишларга қараганда бу йилги жанубий-ғарбий муссон — ҳаво оқими мамлакат иқлимини ўзгартириб юборади.

Бу баракали ёмғир давлатга катта даромад келтириши кутиляпти. Муссон ёмғиридан дончилик 60 фоиз, ўсимлик ёғи саноати 65 фоиз, дуккакли дон етиштирувчилар эса 35 фоиз устама фойда олишади.

ФУТБОЛЧИЛАР УЧУН ЯНА ИМТИЁЗ

Бразилия спорт вазири Пеле 32 ёшга тўлган футболчиларга «эркин агент» ҳуқуқини берди. Бу имтиёз футболчиларнинг янги клубга ўтгандан кейин олдинги командага ўз ҳисобидан тўлайдиган пулнинг катта қисмини сақлаб қолишга имкон беради.

Ушбу қонун 1997 йил 1 январдан бошлаб кучга киради. Бундан ташқари агар футболчи 26 ёшдан ўтган бўлса, янги клуб хўжайини ўйинчининг олдинги команда билан тузган шартномада белгиланган маблағнинг 15 фоизини тўлайди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТ

***НУКУС.** Қорақалпоқ диёрида экологик шароитни яхшилаш билан бирга тиббий хизматни кўнгилдагидек бўлишига эътибор қилинмоқда. Хусусан, республика пойтахтида академик В.Воҳидов номли хирургия илмий марказининг филиали очилди. Филиал қошида 50 ўринли хирургия клиникасини ташкил этилиши эса айни муддао бўлди. Бу ерда ичак касалликлари, ошқозон, ўпка-қон томирлари, юрак дардларини олдини олиш, зарур бўлса жарроҳлик ёрдами кўрсатиш каби муолажалар амалга оширилмоқда.*

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ИШЛАГАННИНГ КОСАСИ ОҚАРАВЕРАДИ

***СУРХОНДАРЁ.** Бригада афзалми ё деҳқон-фермер хўжалиги? Ангор туманидаги деҳқон хўжаликлари бунинг исботини топишди. Ғалла етиштиришда улар бригадалардан ўзишди. Ҳозир фермерлар пахтачиликда ҳам пешқадамликка даъвогар. Жумладан, «Занг» хўжалигининг Ражабой Ғаффорова, Парда Иброҳимов каби фермерлари гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, олдинда боришмоқда. «Фермер ерга, уруғликка, ўғитга, хуллас, ўз ризқига хиёнат қилмас экан, — дейди хўжалик раиси Эшбўри Алиқулов. — Ишлаганнинг косаси оқараверади».*

Олимжон УСАНОВ.

Ислоҳот ва масъулият

ЭМИССИЯ, КОМИССИЯ ВА МИССИЯ...

Яқинда Тошкентда пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори август ойида қандай бажарилганлиги кўриб чиқилди. Йиғилишда ушбу қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши жойларда нақд пул муомаласини ташкил этишда ижобий натижалар бергани таъкидланди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори мамлакатимизда нақд пул муомаласини барқарорлаштиришга, миллий валютамиз қадрини янада оширишга, банклар томонидан аҳолига нақд пул тарзида туланадиган даромадлари, яъни иш ҳақи, қарилик ва бошқа турдаги нафақалари, стипендияларни ўз вақтида берилишини таъминлашга қаратилган. Шуни таъкидлаш керакки, август ойи учун белгиланган касса режаси ва нақд пул эмиссияси бўйича белгиланган кўрсаткичлар республикада бажарилди. Банк кассаларига нақд пул кирими умумий ҳажми бўйича 1692 миллион сўмни ташкил этди ёки режа 16,9 фоиз ошириб бажарилди. Белгиланган режа июль ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида бажарилган эди, холос. Август ойида уларнинг сафига Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари қўшилдилар.

Республикамизнинг 193 шаҳар ва туманларидан 95 таси умумий касса кирими бўйича белгиланган режани уддалади. Бу июль ойидаги кўрсаткичдан 65 та кўпдир. Шу ўринда Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманлари белгиланган касса режасини бажарганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 августдаги қарорига биноан барча вилоятларнинг ҳокимлари, уларнинг тегишли ўринбосарларига июль ойига белгиланган нақд пул маблағлари эмиссияси даражасининг ҳамда касса режаларининг белгиланган прогнозларини бажармаганликлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан 20 фоиз миқдорида жарима солинган эди. Афсуски, айрим вилоятларнинг ҳоким ва муовинлари бу жазодон тўғри хулоса чиқаришмади. Хусусан, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида нақд пул эмиссиясининг юқори даражаси илгаригидек сақланиб турибди.

Йиғилишда нақд пул маблағлари эмиссиясини пасайтириш борасидаги амалий ишлар бошлангандан кейин ўтган икки ой натижалари чуқур таҳлил этилди. Айрим вилоятлар иш ҳақи, нафақа ва аҳолининг бошқа — нақд пул билан бериладиган даромадларини марказлаштирган тарзда қўшимча нақд пул ҳисобига тўлашга кўз тикаётгани, бошқача айтганда, боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётгани танқид қилинди.

Сурхондарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан август ойи учун белгиланган прогнозга нисбатан 235 миллион сум, Фарғона вилоятида эса 216 миллион сўм қўшимча нақд пул муомалага чиқарилди. Аммо шунга қарамай Сурхондарёда 28 миллион сўм, Фарғона вилоятида эса 35 миллион сўм пул банкларга қайтиб келмади.

Сурхондарёда мавжуд 15 та туман ва шаҳардан 10 таси июль-август ойларида касса режасини бажармади, 14 та шаҳар ва туманда эмиссия даражасини пасайтириш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар уддаланмади.

Бундай нуқсонларнинг бош сабаби — вилоятда рўй бераётган иқтисодий жараёнларнинг изчил, мақсадга йўналтирилган таҳлили йўқлигидир. Нақд пул маблағларининг усишига таъсир қилувчи омиллар синчиклаб урганилмаяпти. Бундан чиқадиган хулоса шуки, пул муаммосини барқарорлаштиришга ва ҳукумат қарорининг бажарилишига йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Вилоят ҳокимлиги жорий йилнинг етти ойи учун вилоятдаги ишлар аҳволини акс эттирувчи маълумот ва ахборотларга тўлиқ ҳажмда эга эмас. Вилоятдаги пул сиёсати бўйича комиссия-ларнинг иши кўпинча хўжакўрсинга ташкил этилган.

Музработ туманида ҳукумат қарорининг аҳамияти ва муҳимлиги ҳанузгача англаб етилмаганга ўхшайди. Туманда эмиссия даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлса-да, ҳоким А. Лапасов ва ҳоким ўринбосари — комиссия раиси Р. Юсуповнинг парвойи палак. Бегамлик шунчаларки, улар ҳатто статистик ахборотга ҳам эга эмаслар. Пул-кредит комиссияси июль ойида бирор марта ҳам мажлис утказмаган, илгари ўтказилган мажлислар эса номигагина бўлиб, бирор бир аниқ чора-тадбир белгиламаган.

Фарғона вилоятида ҳам аҳвол яхши эмас. Вилоятда 4 та шаҳар ва туманда касса режаси бажарилди, холос. Эмиссиянинг белгиланган даражаси 18 туман ва шаҳарда бажарилмаяпти. Риштон ва Ўзбекистон туманларида утказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган ҳукумат қарорини бажариш борасида бу ерда ҳали амалий ишлар қилинмаган. Топшириқлар хўжалик юритиш субъектларига ойма-ой ва тўлиқ етказилмаяпти. Шундай экан, улардан нимани талаб қилиш мумкин?

Умуман, вилоят туман ва шаҳарларида пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолият юритмаяпти. Бу эса пул муомаласининг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатяпти.

Навбатдаги йиғилишда пойтахт вилояти шаънига танқидий фикрлар айтилди. Тошкент вилояти бўйича август ойида нақд пул маблағлари эмиссияни камайтириш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга доир ташкилий-иқтисодий ишлар старли даражада олиб борилмади. Оқибатда вилоят бўйича касса режаси бажарилмади. Банк кассаларига 60,5 млн. сўм келиб тушмади. Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Бекобод туманларида ва Ангрен шаҳрида эмиссия даражаси юқорилигича қолаяпти.

Албатта, бундай иш тутиш беиз кетаётгани йўқ. Унинг салбий оқибатларидан энг аввало, нафақахўрлар, стипендия олувчилар, турли тоифадаги ишчи ва хизматчилар азият чекишяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойларда бажарилишини ҳар тарафлама таҳлил қилишдан мақсад шуки, дейилди мажлис пировардида, бу ишга даҳлдор мутасаддиларнинг эътиборини яна бир карра шу масалага қаратиш ва юқорида белгиланган кўрсаткичларни тула бажариш орқали аҳолининг зарур тўловларини ўз вақтида амалга оширишдан иборат. Жойлардаги раҳбарлар, агар у ҳақиқатан ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган ҳамда биринчи галда ўзи яшаб турган ва раҳбарлик қилаётган шаҳар ёки туман аҳолиси ҳақида қайғурадиган бўлса, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, аҳолига намунали хизматлар кўрсатилишига, уларнинг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қилиши шарт. Зеро, жойларда қўшимча иш ўринлари барпо қилиш ҳам шу ҳудудда нақд пул муомаласини барқарорлаштиришга ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ГУГУРТ ҲАМ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚДИ

Истиқлолни баҳри-дили очилиб кутиб олган Шамсиддин ота Муҳиддинов мундоқ хомчўт қилиб кўрсалар, ўзбекнинг нафақаи-рўзғори учун зарур унсурларнинг гугуртдан бошқа ҳамма тури ўзимиздан чиқаркан. Алжабрдан тортиб шеър санъатигача, мадади Синодан тортиб давлат бошқариш тартибларигача андоза олгулик даражада эплаган заковатли миллатнинг бугунги авлодлари наҳот гугурт тайёрлашни уддасидан чиқолмаса?! Ҳожи ота фарзандларини тўплаб, маслаҳатни бир ерга қўйдилар.

Россиянинг Киров вилоятидаги «Белка» гугурт ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлик қилинди. Муҳиддиновлар оиласи топган-тутганларини ўртага ташлашди. Самарқанд меъморчилик-қурилиш олийгоҳида таҳсил олган Зайниддин ака Муҳиддинов ижрочи директор вазифасини бажарди. Икки йил олдин бошланган бинони «Наманганмаш» корпорацияси кўмагида қишлоқ-қурилиш трестига қарашли 143-механизациялашган кўчма колонна битириб берди. Республика бизнес жамғармаси антиқа ғоянинг ижобат бўлишига 17 миллион сўм кредит ажратди. Рус биродарларимиз Швеция жиҳозларини фабрикага ўрнатишди. Оқтош йигит-қизларидан гугурт ишлаб чиқарувчи усталар тайёрлашни ҳам зиммаларига олдилар.

Шундай қилиб ҳожи ота оиласининг саъй-ҳаракатлари, вилоят ва Тўрақўрғон тумани ҳокимликларининг эътибори, қурувчиларнинг тезкорлиги билан республикамиз Мустақиллигининг беш йиллиги арафасида «Шамс ЛТД» фирмасининг гугурт фабрикаси ишга тушди. Ҳозир фабрика соатига 50 минг, бир навбатда 250 минг дона гугурт ишлаб чиқармоқда. Йиллик қуввати 130 миллион дона бўлиб, бу Фарғона водийси аҳолиси эҳтиёжини бемалол қоплайди.

Ҳа, қари билганни пари билмас, деганларича бор. Республика халқ таълими аълочиси, фахрий муаллим Шамсиддин ҳожи Муҳиддиновнинг ташаббуси билан Наманганда гугурт ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ранго-ранг қутилардаги гугуртлардан бирида шундай ёзув бор: «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик — 1991 — 1996» — «Шамс — ЛТД» фирмасининг гугурт фабрикаси, Наманган шаҳри».

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"Оқ олтин — 96" *"Оқ олтин — 96"*

РЕЖА БЕШ КУНДА УДДАЛАНДИ

ФАРҒОНА. *Олтиариқ туманидаги Б.Отақулов номли жамоа хўжалигининг Маъмуржон Дўстматов бошлиқ бригадаси аъзолари беш иш кунида йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан юқори сифатли саноат хом ашёси давлатга сотилди.*

— Далаларимизда ҳали ҳосил мўл — дейди, бригада бошлиғи, ХДП аъзоси М.Дўстматов, — Тожила Мелиева, Одина Исмоилова, Садбар Абдуллаева, Турдихон Турғунова сингари илғор теримчилар кунига 120-150 килограммдан пахта термоқдалар.

Тумандаги Т.Қўзибоев, номли «Нуробод» Қ.Кенжабоев номли жамоа хўжаликларида кунига йиллик режанинг 4.30-5 фоизи миқдорида пахта йиғиштириляпти. Ҳозиргача туманда 220дан ортиқ ижарачи звенолар йиллик режани уддалаб қўйишди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: У. Юсупов туманидаги "Жейнов" жамоа хўжалиги далаларида; пастда эса 2-бўлим бригада бошлиғи Ойгул Одинаева ва Дилмурод Ҳасанов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ПАХТА ТЕРСАНГИЗ, ПУЛИНИ САНАЙВЕРАСИЗ

САМАРҚАНД. *Пахтачи туманидаги Шамси Назаров номли жамоа хўжалигининг. Б.Ҳакимов, Б.Зулмонов, С.Элбоев бошлиқ бригадалари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар.*

Умуман, пахтачиликда туб бурилиш ясалди дейиш мумкин. Бир қатор хўжаликлар кунига йиллик режанинг 6-7 фоиз миқдорида пахта топширмоқдалар. Бугунга қадар пахтачиликлар уйган хирмон йиллик режанинг 30 фоизидан ошиб кетди. Ҳар куни 13 мингдан зиёд аҳоли йиғим-теримга сафарбар этилаётир.

Шуниси қувончлики, дала меҳнаткашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Териб топширилган ҳосил учун деҳқону ҳашарчилар ўша куннинг ўзидаёқ меҳнат ҳақини санаб олмоқдалар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 18 сентябргача бўлган маълумот
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Сурхондарё	2,19	33,34
Бухоро	3,16	23,78
Навоий	2,64	22,73
Хоразм	3,31	21,74
Самарқанд	2,82	20,61
Андижон	4,58	20,55
Фарғона	3,05	18,48
Қашқадарё	2,11	15,85
Қорақалпоғистон Республикаси	1,34	11,62
Наманган	2,50	8,98
Тошкент	1,07	4,50
Жиззах	0,80	3,11
Сирдарё	0,56	1,80
Республика бўйича	**2,34**	**16,29**
Шу жумладан ингичка толали пахта (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	794	7900
Қашқадарё	117	450
Наманган	-	-
Республика бўйича	**911**	**8350**

Янги замон одами

АНДИЖОН ФИДОЙИСИ

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Андижонда бўлиб, деҳқончиликда янгилик яратаётган пахтакору ғаллакорларни «Андижон фидойилари» деб улуғлади. Ана шу юрт фидойиларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Абдурасуловдир.

Йилимиз воқеаю-воқеликка бой йил бўлди. Буларнинг чўққиси — Мустақиллигимизнинг шонли беш йиллигидир, десак ярашади. Чунки озодлик тулпорига минган Ўзбекистон тарихан зигирдай давр ичида ердан қуёшга бўй чўзди, давлат сифатида шаклланиб, буюк келажакка илдам одимлади.Европанинг буюк давлатлари билан шерикчилик, ҳамкорлиги-ю, ҳамжиҳатлигини бошлади.Юбилей йили иқтисодиёти ҳам беш йил ичида балоғатга етди.Самалётсозлигимиз ,автомобилсозлигимиз пахтамиз қаторида дунё бозорини эгалламоқда. Ёнилги тақчиллиги битиб, дон етишмовчилиги ҳам тугаб бораяпти. Ҳамма соҳада мустақилиллик мустаҳкам бўлаяпти.Буларнинг ҳаммасига Президентимизнинг улуғ айём арафасида чиқарилган тарихий фармонлари мантиқий якун ясади. «Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун Ватанимизнинг беш меҳнат баҳодирига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Ўша куни тўсатдан ва яшин тезлигида бошланиб кетган бир хонадон тўйининг гувоҳи ва фаол иштирокчиси бўлдим. Бу «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз » нишондори Содиқжон Абдурасулов хонадонида юз берди.

У ҳақида илгари ҳам кўп яхши гаплар эшитиб юрардим. Бу машҳур пахтакор бригадир эди. Салкам олтмиш ёшли бу деҳқон қўлига кетмон ушлабдики, даладан чиқмайди. Айтишларига қараганда ўттиз йилча пахта бригадири бўлиб, йилига рекордли ҳосил етиштириб, унумли меҳнати учун қатор-қатор орден ва медаллар олган, юртидан нари жойларга ҳам бориб, ўз тажрибасини ўртоқлашиб қайтган. Уни «жаҳонгашта» деб юрувчилар ҳам кўп.

Пахтадан ном чиқариб, пахтадан нон топиб, мол-қўй, машина қилган одам 1992 йили тўсатдан ғаллакор бўлгиси, пахта майдонини ғаллазор қилгиси келди.Нега? Мустақил Ўзбекистонда ғалла мустақиллиги зарур эди. Ғалла тақчиллиги қишлоқларда ҳам сезила бошланган эди. «Деҳқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади», деди ўшанда Президент. Содиқ Абдурасулов бўни ўзига юклангган вазифа деб тушунди-да, касбини ўзгартириб 70 гектар сувли ерга буғдой сепди. Биринчи йил ҳосили ҳар гектардан 34 центнерга тўғри келди. Теварак-атрофдагиларга нисбатан кам эмас, аммо Канада, ҳатто Украина ҳосилдорлиги олдида тубан эди.

Содиқжон фикрловчи деҳқон эмасми, у ғалла ҳосилдорлиги нималарга боғлиқ эканини ўз таҳлилидан ўтказиб хулосага келдики, жавдари уруғининг ҳосил чегараси тор, «Буғдой эксанг, уруғ танла, топ,» деди ўзига-ўзи. У юғуриб-елиб каттакичик бошлиқларнинг бошини қотириб, зўрга Россиянинг «Спартанка» деб аталмиш уруғидан топиб келди. Бу уруғ ҳар гектардан 41 центнердан ҳосил берди.«Бу ҳам оз!» деди Содиқжон яна Россиянинг серхосил «Скифянка» уруғидан келтириб сепди. 1995 йилда хосилдорлик 51,6 центнерга кўтарилди.

Содиқжон учун бу уруғ ҳам кам ҳосилли бўлиб кўринди. Аммо «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» дейдилар. Бунинг сирини билган жойларда биздагидан кўра кўпроқ ҳосил олаяптилар, деб ўйлаб бу уруғ ўсган жой шароитига яқин шароит яратишга уринди. Буғдойзорнинг суғориш усулини ўзгартириб калта-калта марзалар, ўқариқлар қилиб қониқтириб суғорадиган бўлди.

-Буғдой қониб сув ичиб, тўйиб озуқа эса тўла дон бўлади, дони- сермағиз нон бўлади,- дейди Абдурасулов. —Аммо бунинг ўзи кифоя эмас. Буғдой пояси нозик-ниҳол, у ёввойи ўт билан озуқа талаша олмайди ва хас-хашак билан бир жойда яшай олмайди. Шунинг учун буғдойзорни худди пиёз ўтоғи қилгандай қилиб ёввойи ўтдан ўтаймиз. Кейин битта кўринса ҳам битталаб юламиз. Ғалла олтиндай сарғайиб, қизариб пишади — асл дон, нуқул тоза уруғлик.

Уста Ғаллакор 1996 йили 315 гектар суғориладиган ерга дон сепиб, -ҳар гектар ердан 68 центнердан магзи тула буғдой олди. Олтин водийда рекорд ҳосил! Гап миқдорида ҳам эмас, аввало сифатида. Сифати шундоқки, етиштирилган ҳамма ғаллани бутун республика уруғликка талашиб олиб кетяпти. Содиқжон буғдойининг бозори чаққон, нархи баланд. Хуллас, қаловини топди.

Бригада аъзолари пахтадан кўра ғалладан кўпроқ манфаат кўрмоқдалар.Уларнинг даромади қўшни пахтакор даромадидан икки-уч ҳисса кўп. Такрор экинлардан яна катта манфаат кўрадилар.Бу йил Америка «Кейс»комбайнлари билан ўриб-янчиб олинган буғдойзорларга такрорий экинлар экилди. Шоли, мош, макка, қовун, тарвуз, картошка ҳозир гуркираб ўсаяпти.

Бугун бу далаларга ҳам байрам, хушхабар кириб келди. Бригадирларига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганини эшитган ғаллакорлар Содиқжон акасини қутлаш учун унинг уйига югурдилар.

Президент Ислом Каримов Андижон фидойиларининг жасорати ҳақида қувонч билан гапирганда янги замон одами бўлмиш Содиқжон Абдурасуловни ҳам кўзда тутган эди. Янги Қаҳрамонга янги-янги зафарлар тилаймиз.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

СПИРО СИЁСАТЧИ ЭДИ

АҚШ сиёсий иқлим доирасида Спиронинг ўз ўрни бор. Маълумки, охирги йилларда Спиронинг саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли сиёсатдонлар даврасида кўринмай қолганди.

Айниқса, Мэрилендни бошқарган пайтлардаги фаолияти сиёсий, ижтимоий катта ўзгаришларга олиб келганди. Баъзида Спиро Агне сиёсий қарашлари ҳукумат вакиллари билан зид келган ҳолатлар ҳам бўлган.

У 1973 йилда истеъфога чиқди. Шундай бўлсада, унинг мавқеи сиёсий иқлим барқарорлигида муҳим аҳамият касб этиб келди. Узоқ давом этган Вьетнам урушини бартараф этиш масаласида ҳам Спиро ўзининг қатъий фикрида турган сиёсатчи арбобдир.

Сешанба кунги манбалардан маълум бўлишича, таниқли сиёсатчи, жамоат арбоби Спиро 77 ёшда оламдан ўтди. Вашингтондаги сиёсий доиралар унинг хизматини алоҳида эътироф этмоқда.

ЖИНОЯТЛАР КЎРСАТКИЧИ ПАСАЙМОҚДА

АҚШда жамоатчилик орасида полиция маҳкамалари аҳоли ҳуқуқ-тартиботини ҳимоя қилиш билангина чекланмайди. Турли хил жамоатчилик ташкилотлари, клублари аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш билан жиддий шуғулланадилар.

Манбаларда кўрсатилишича махсус статистик бюронинг аниқлашига қараганда, Америкада ашаддий жиноятчилик 9 фоизга камайган. Сурункали жиноят, тажовузкорлик каби қонунбузарликлар эса 19 фоизга, ахлоқсизлик, киссавурлик эса 18 фоизга, аҳоли уй-жой, молмулкини ўғирлаш 14 фоизга камайганлиги алоҳида қайд этилмоқда.

Маълумки, соғлом турмуш тарзига эришиш кўп жиҳатдан жиноятлар кўрсаткичининг пасайишига ҳам боғлиқдир.

Муаммо, тажриба, тадқиқот

БИР ТОМЧИ СУВ БАҲОСИ

Биз «турғунлик» деб атаган замоннинг каттаконларидан бири, нега сен радиодан ёмғир ёғиши ҳақидаги маълумотни жар солдинг ва бу билан пахта тераман деб далага чиққанларнинг қўлини ишдан совутдинг. Ё, ёғадиган бўлса ҳам, овоза қилма. Пахта режаларимизни чувалтирма, деб об-ҳаво мутахассисини койиган, унга «виговор» берган эди...

Шунга ўхшаган можаролар ҳозир ҳам учраб туради.

Масалан, айрим идоралар ўзидан юқорироқ идораларга, экинимизни суғорайлик десак, сув хўжалиги бошқармаси бизга сув топиб бермаяпти. Қолоқлигимизга сабаб битта: — водхоз ўнгиримиздан тортиб, ўтқиздириб қўяяпти, — деб арз қилмоқчи бўлишади.

Қорин оғриғига арпа уни баҳона. Лекин, афсуски, тоғнинг эримай турган қори, ёғмай ўтиб кетган булут сув хўжалиги идорасига бўйсунмайди. Булутни айтамиз, мироблару деҳқонлар бўйсинмайдию... Сувдан фойдаланишни назорат қилувчиларнинг жаримаю танбеҳларидан тап тортмай, сувни кўра била керак бўлса ариғи билан оқава иншоотларига ағдариб қўядилар.

Ҳай, сувга боғлиқ можаролар сувга оқди-кетди, дейлик-да, Сурхондарёда сувдан самарали фойдаланиш бўйича бош қотираётганларнинг ишидан бир-икки оғиз сўзлайлик.

Сурхондарёда 325 минг гектардан зиёд суғориладиган ер бор, Тупроғи тақир-ўтлоқли тупроқ ҳисобланади. Сурхон—Шеробод даштларидан 100 минг гектардан зиёд қўриқ ернинг ўзлаштирилгани воҳа деҳқончилигини сув билан таъминлаш соҳасидаги қатор ислоҳотлар ўтказилишини тақозо қилди. Бироқ бу билан «сув танқислиги» деган ибора тилдан тушиб кетмади. Кетмаяпти ҳам. Ахир, воҳа зироатчилигига бир йилда 4,2 миллион куб метр атрофида сув керак. Вегитация даврида бир йилда бир гектарга ўн икки, ўн уч, ҳатто айрим жойларда 16 минг куб метр сув сарфланмоқда (тупроғию иқлим шароити Сурхон воҳасига яқин айрим мамлакатларда бу сарф 5—6 минг куб метрдан ошмайди).

Шу сарфни қисқартириш йўли борми, деган савол жавобсиз қолмади. Республика пахтачилик илмий-тадқиқот институти Сурхон филиали экинларни томчилатиб суғориш, дискрет усулида (сувни изавага чиқармай) суғориш тажрибаларини тавсия қилди. Бу тавсияларни вилоят сув хўжалиги бирлашмаси амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Филиалнинг Қизириқ тумани Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасидаги тажриба майдонида 2 гектарча ерда ингичка толали ғўза баҳору ёз бўйи томчилаб суғорилди. Томчилатиб суғоришнинг ўзига яраша ташвишлари бор: дала бошига қувурлар тортилади. Қувурга уланган резина қувурчалар эгатларга тортиб чиқилади. Қувурга босим билан сув ҳайдалгач, резина қувурчаларнинг жўмракларидан сув томиб туради.

Айни пайтда бу ташвишлар деҳқонни бошқа бир харажатлардан халос қилади: эгатга трактор юргизилмайди. Бу ғўза парвариши давомида техник ва ёнилги харажатлар тўла тежалади, деган маънони билдиради. Трактор эгат оралаб юрмадими, тупроқнинг механик зичлашиши барҳам ейди. Уғит экинга сувга эритилиб, эритма лазер нури билан ишлатилиб берилади. Уғитнинг эритма ҳолатида берилиши унинг самарасини икки баробарга оширади. (Демак уғитнинг тенг ярми тежалади). Лазер нури сингдирилган ва магнит майдонидан ўтказилган сув экиннинг соғлом ўсишини, тупроқнинг унумдорлигини таъминлайди.

Ҳар янгиликни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Раис ёки бригадир, узунлиги бир чақирим келадиган мингта эгатга резина қувурчаларни қаердан топаман деб чакагини қашлаши турган гап. Лекин қишлоқ хўжалик фанлари доктори Бойқобил Жўрақулов бошлиқ тадқиқотчилар бу эътироз олдида ҳам ўсал бўлмайдилар. Тажриба майдонининг бир қисмидаги ғўза дискрет усулида суғорилган. Бу асли деҳқоний усул. Сув эгатларга катта-катта тизилади. Эгатларга бошдан адоқ бир хил меъёрда сув югиртирилади. Сув изавага чиқарилмайди.

— Сув эгатга майда тизилиб, бир жойнинг ўзида икки ярим, уч кунлаб оқизилса ва сув изавага оқизиб қўйилсами, — дейди илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, академик Қиргизали Мирзажонов. Тупроққа солинган ўғитнинг ярми сув билан изавага чиқиб кетади. Бу — бир, иккинчидан, ер ости суви юзага урган ерда сувнинг чўзиб оқизиб қўйилиши ернинг мелиоратив ҳолатига тағин ҳам путур етказади. Ваҳоланки, Сурхондарёда ҳозир мелиорация ишларига йилига 500—600 миллион сўм маблағ сарфланяпти. Дискрет усули ерни шўрлашдан сақлайди деб айтмайман, лекин шўрланиш жараёнини секинлаштиради, мўътадиллаштиради десам, хато бўлмас.

Энг муҳими, дискрет усули ҳам сувни тежаш бўйича томчилатиб суғориш усулидан қолишмайди. Сувнинг ярми тежаб қолинади. Бу тажрибани вилоят сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Шойдулла Мирзаевнинг ўзи тадқиқ этаётгани мени, тўғриси, қувонтиради.

Бундан йигирма йилчами илгари сурхондарёликлар ўн гектар ерда чигитни суғорилган эгатнинг пуштасига экишни тажриба қилишувди. Пуштага чигит экиш оддий иш бўлиб қолди.

Одамлар тадқиқотчиларга яна бир бор қўл берсалару, уч-тўрт йилдан сўнг сувни эҳтимол чорак фоизга тежай бошласалар, ажабмас.

Сўнгги изоҳ: Сурхондарёда экин майдонларининг 68 фоизи насослар ёрдамида суғорилади. Минглаб гектар далаларга сув 5—6 насос билан кўтариб берилади. Насосларни юритишга сув хўжалиги ойига 100 миллион сўмликдан зиёд электр қувватини харж қилади.

Бир мутахассиснинг, сувни тежаш ҳақидаги гаплар қуруқ ҳанғома, латифа бўлиб қолмасин-да, деб куюнчаклик қилиши... бежизга эмас-да.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Қувасойдаги "Кварц" ойна ишлаб чиқариш акционерлик жамияти оператори М. Абдуллаев (юқорида) ва Р. Ярмутов ҳамда О. Горбуноваларни (пастда) кўриб турибсиз.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

Муҳаррир мулоҳазалари

ЎТМИШ БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ, КЕЛАЖАК — НАЖОТИМИЗ

Кени кеча мен Самарқанддан қайтдим. Шиддатли ҳаёт пўртанасида одатдагидек югуриб-елиб эмас, ноёб имкон шарофати билан шошмасдан, бамайлихотир шаҳар кездим, муқаддас обидаларимизни зиёрат қилдим. Миллатимиз буюклигининг бу далолатномалари қаршисида лол туриб яна бир бора амин бўлдимки, аждодларимизнинг тафаккури ва қалб қўридан яралган бу осори-атиқалар то абад бизнинг нажотимиз. Улар бизнинг юзимиз, миллатимиз, қайта туғилаётган, улкан умумжаҳон хонадонига кириб бораётган шу қутлуғ айёмларда эса инсониятга кўрсатадиган бирдан-бир ишонч ёрлиғимиз ҳамдир. Улар орқали биз буюк тарих салтанатига дахлдормиз. Улар орқали биз Ўзбекистон деб аталмиш шу азиз тупроқ, шу суюк замин ҳамиша ардоқланиб, обод бўлиб келганлигини тушунамиз. Уларнинг олтин кошинларида бизнинг сўнмас тарихимиз ёзилган, сеҳрли нақшларида аждодларимизнинг бизларга аталган тилаклари, асрлар оша бизларга йўллаган васиятлари битилган. Юртимиз асорат кишанларидан фориғ бўлгани ҳамоно нигоҳларимиз ҳам, фикр-ўйларимиз ҳам олис-олисларга — ўтмишга интилгани, ўзлигимизни ҳам ўша ёқлардан — мозий қаъларидан ахтара бошлаганимиз бежиз эмас. Давлатимиз Истиқлолининг бешинчи йиллиги жаҳон миқёсида ўзбекнинг қутби миллати, буюк саркардаси Амир Темур ҳазратларига бағишланганлигида чуқур рамзий маъно бор. Биз ношудлигимиз, ланжлигимиз билан соҳибқирон ҳазратларига, балки керак эмасдирмиз. Лекин ул зоти нажиб бизларга керак. Миллатимиз қад ростлаши, озодлик йўлидан қоқилмай кетиши учун керак. Бироқ, азалий қадриятларга мурожаат ҳаргиз замонамиздан чекиниш эмас — миллий шажарага муносиб бўлишга ҳаракат, холос.

«Мулоқот» журнали ўзининг дастлабки сонларидан бирида 1991 йилдаёқ — соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари хусусида «Темурийлар тақдири» деган мақолани ва «Темурийлар шажараси»ни республикада биринчи бўлиб эълон қилган эди. Ва шундан буён журнал ўзининг «Темурийнома»сини давом эттириб келмоқда. Ушбу махсус сон ҳам олий ҳазратларининг руҳи поклари шод эта олса ажаб эмас.

Машҳур руҳшунос Карнеги фикрича, кечаги кунларни худди жасадга ўхшатиб кўмиш, яъни хаёлдан чиқариб ташлаш керак. Боиси — у ортиқча юк, халал беради. Эртанги кунларни ҳам ўйламаган маъқул. Боиси — мубҳамлиги билан юракларга ғул-ғула солиши мумкин. Бугун билан яшаш керак. Албатта, мутахассис фикрини инкор этиш қийин. Лекин бу хил тавсиялар бизларга тўғри келмайди. Негаки, биз узоқ йиллар қоидадан ташқари шарт-шароитда яшаб келганмиз, ҳозир ҳам, шу кеча-кундузларда фавқулодда вазиятларни бошдан кечирмоқдамиз. Хизмат тақозоси билан биз бугун ўтмиш хотиротлари ва келажак орзу-армонлари билан тирикмиз. Ўтмиш бизнинг таянчимиз, келажак — нажотимиз. Бугунимиз эса қурилиш жараёнида.

Минг йиллик музаффар ҳаёт ва асрлик қуллиқ! Минг йиллик қудратли давлат ва беш йиллик норасида давлатчилик! Ажаб мураккаб қисмат! Ер юзидаги сўнгги империя парчаланиб юртимизга озод кунлар насиб этганига беш йил тўлибди. Ва беш йилдирки, бизларнинг орзу-умидларимизнинг ҳам, хавф-хатарларимизнинг ҳам манбаи битта — озодлик... Озодлик туфайли бахтиёрмиз, озодлик туфайли узлуксиз синовдамиз. Ҳолбуки, вақт чархпалагининг бугунги айланасида мутлақо равшан: бизнинг бошқа инсонлардан фарқимиз йўқ, улардан кам ҳам эмасмиз. Фақат бир оз орқада қолганмиз, фақат бир оз ғафлат босган. Ҳамда ҳамма инсонлар каби ўз давримизнинг маҳсулимиз. Шу боис бугунимиз нечоғлиқ осуда бўлмасин, эртамиз ночоғлиқ жозибали ёки буюк бўлмасин, барибир, хавотир ва ҳадиклар бизларни ҳали-бери тарк этмаса керак. Негаки, халқимизнинг йўргак ёшидан бутун йигирманчи аср давомида урушлар, дахшатлар таъқиб этиб келган. Ҳолбуки, биз илк бор шу ўтган беш йил ичида тинчлик учун курашмадик, балки тинчликдан баҳра олиб яшадик. Илк бор топган-тутганимиз қурол-аслаҳа ясаш, сақлаш, жаҳонга даг-дага қилиш учун эмас, юртимиз, демакки, ҳаммамизнинг манфаатимизга сарфланди.

Лекин мустақиллик йиллари осон кечяпти десак хато бўлса керак. Чунки етмиш йиллик ғайри одати, ғайри қонуний тартиботдан кейин ҳаётни дабдурустдан табиий ўзанга буриш гоят мушкул. Бошқа ҳеч қандай кўнгилсиз сабаблар бўлмаганида ҳам эски тартиботнинг бузилиб янгиси барпо этилиши жараёнининг ўзи бир дунё мушкулот туғдиришга қодир. Узоқ муддат хору зор этилган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган мазлум халқ бор-йўғи беш йил ичида қуллик асоратларидан батамом қутулиши мумкин эмас. Қорни тўйдирилганда ҳам, шоҳона либосларга ўралганда ҳам қуллигича қолаверади. То унинг қадр-қиммати тикланмагунча, ундаги муте хусусиятлар, ҳиссиётлар изсиз емирилмагунча эрк ҳақида сўз юритиш қийин. Мисол учун Америкадек буюк давлат Англия зулмидан қутулганидан кейин тамоман ўзини ўнглаб олиши учун 80 йил керак бўлган деб ёзишади. Бошқа қатор давлатлар мисолида ҳам бу жараён кам деганда уч авлод умрини талаб этиши ҳисоблаб чиқилган. Бизда эса, назаримизда, бунча вақт йўқ. Муддат биз учун ҳаёт-мамот масаласи.

Бироқ икки тошнинг орасида бўлса ҳамки, жамики машаққатлардан қатъи назар ҳаёт олга кетяпти. Юртимизда содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни кўрмаслик, тан олмаслик мумкин эмас. Мустабид тузум асос-асосларигача емирилиб, инқилобий жараён оддий одамларгача етиб, бутун аҳолини қамраб оммавий тус олди. Ва шу ялпи ижтимоий фаоллик таъсирида ва асосида жамият яшин тезлигида ўзгариб бормоқда. Файласуфлар фикрича, айни ҳаракат эрки, ҳаракат ихтиёри инсонликнинг моҳиятини ташкил этади. Совет тузуми бекор этган шу хусусиятни биз қайтариб олдик. Бугун юртимизда эмин-эркин ҳаёт жўш уриб ётибди. Фуқаролар эркин иш юритиш имкони ва ҳуқуқларидан кенг фойдаланмоқдалар. Натижада бозор муносабатлари турмушимиздан ўрин олиб, эркин инсонлараро муомала, тазйиқсиз савдо-сотиқ қоидалари урф бўлгани сайин ҳаёт ҳам мантиқий, табиий шакл касб эта бормоқда. Негаки, айни бозор — озод муносабатларни ўзлаштириш, озодликнинг ўзини истифода қилиш майдонидир. Лўнда қилиб айтганда — озодликнинг ўзидир.

Истиқлолимизнинг беш йиллигига ажойиб туҳфа бўлган Америка музокараларидан сўнг давлатимиз Президенти эътироф этганларидек «Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади — озод ватанда, озод яшаш» ва «...жамиятимиз, халқимиз мана шу мақсад йўлида белини маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти, катта умид билан яшаяпти».

Жонибек СУБҲОН

ЎЗБЕКИСТОН

Бир чаман бор бул жаҳонда, менга қадри — жон қадар,
Ўзбекистон деб аталган толеи осмон қадар.

Бул чаманда топди қадрин гул каби ҳар бир киши,
Мўйсафид чоллар табаррук кўзга сурган нон қадар.

Бу чаманда неча гул — фарзандга айлаб жон ато,
Оналар бўлди азизлик бобида иймон қадар.

Севса севгай бир умрга, нафрати тиғдир азал,
Қизлари туғёнга монанд, ҳар йигит — исён қадар.

Бундаги бир халқ заминга сажда айлар эрта-кеч,
Элни деб тоблар қуёшда бағрини бирён қадар.

Бул ватаннинг ҳар гиёҳи — эртанги кундан умид,
Унга айлай кўзларимнинг ёшини найсон қадар.

Шеърида гар савҳи бўлса
айбламанг шоирни ҳеч,
Юртига ишқин у битди мисрада
имкон қадар.

Ҳамнафас қолгайдир умри
ватан бу бирлан абад,
Ўзбекистон шарҳини ким
айлади Субҳон қадар!

МИЛЛИЙ ТУРМУШ ТАРЗИМИЗГА БИР НАЗАР...

"Мулоқот"га мактублар

Беш йил аввал бошқа байроқ, бошқа герб остида эдик. Мустақиллик шарофати билан улар ўзгарди. Ўзбекистон байроғининг рамзлари республикамизнинг табиий, миллий ва маданий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Гербимиз марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши. Улуғ бобомиз Алишер Навоий Хумони жонзотларнинг инсонга энг меҳрибони деб таърифлаган.

Беш йил аввал «Ассалом...» сўзи билан бошланадиган мадҳия остида кўзини очадиган халқ, бугун бутун борлиқ «Азон» чақириғи билан уйғонмоқда.

Беш йил аввал эскилик қолдиғи деб камситилган бешик, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Ойбек, Шароф Рашидовларни авайлаб-асраб катта қилган бешик, бугун ҳар хонадонга ўзгача файз бериб, хонадонлар тўридан жой олмоқда.

Беш йил аввал суннат тўйи қилган фирқа аъзолари партиядан ўчирилди, тазйиқ остига олинарди. Бугун эса суннат тўйи ҳар бир хонадоннинг энг файзли маросими бўлиб қолди. Жойлардаги ҳокимлар кам таъминланган оилалардан ўнлаб, юзлаб болаларни суннат тўйларига ўзлари бош-қош бўлмоқда.

Беш йил аввал комсомол аъзоси никоҳдан ўтса, тегишли жазо оларди. Бугун эса мачитлар олди ёш келин-куёвлар билан тирбанд.

Беш йил аввал диний байрамлар тазйиқ остида эди. Намозга борган ёшлар, раҳбар лавозимида ишлайдиганлар алоҳида рўйхатга олинарди. Бугун эса иккала ҳайит байрам кунлари деб давлат томонидан белгилаб қўйилди.

Бугун жанажон Наврўз байрами халққа қайтиб келди. Ҳар йили халқимиз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Наврўз табригини эшитиш бахтига муяссар бўлмоқда.

Беш йил аввал турли раҳбарлар қариндошлари ёки дўст-биродарлари вафот этса ўзини жаноза ва бошқа диний маросимлардан олиб қочар, фотиҳага қўл очишдан қўрқар, ҳажга бориш эса муаммо эди. Бугун юртбошимиз, республика ҳукумати бу ишни ҳам ўз ҳомийлигига олди.

Беш йил аввал она тилимиз уйда гаплашадиган турмуш тили даражасига тушиб қолаёзганди. Бугун бу давлат мақомига эга. Беш йил аввал араб ёзувидаги китоблар. Қуръони карим тазйиқ остида эди. Бугун эса юртбошимиз бир қўлида Конституция, бир қўлида Қуръони карим билан иш тутмоқда.

Кечагина битта партия ҳукмрон бўлган бўлса, бугун кўплаб фирқалар фаолият кўрсатмоқда.

Булар миллий турмуш тарзимизнинг бир кўриниши, холос. Юксак маънавият — миллий равнақимиз бош омил бўлса, миллий турмуш тарзи эса унинг таркибий қисмидир. Турмуш тарзимизни асраб-авайлаб ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгашининг
масъул ходими.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий бадиий журнали — «Мулоқот»нинг 5-сони ўқувчилар қўлига етиб борди. Унинг ушбу сони буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига бағишланган. Таниқли олим Бўрибой Аҳмедов «Амир Темурнинг тарихдаги ўрни» сарлавҳали мақолада жаҳонни титратган саркарда ва фотиҳнинг илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ном қолдирганлиги, мамлакатда узоқ вақт давом этиб келган феодал тарқоқлик ва ўзаро уруш-жанжалларга барҳам берганлиги, элу улусни мўғуллар асоратидан халос қилганлиги ҳақида муфассал ҳикоя қилинади. Академик олим ўз фикрларини Амир Темур замондошлари ва ундан кейин ўтган тарихчилар қолдирган битиклар асосида далиллайди. Шунингдек, « Тарих сабоқлари ва мустақиллик истиқболлари» сарлавҳаси остида партия Марказий Кенгашида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман ҳақида ҳикоя қилинади.

«Мустақилликнинг 5 йиллиги арафасида кўп кишиларда мустаҳкам бир ишонч ҳосил бўлди: Ўзбекистон ва унинг фуқаролари ҳаётига ҳали, эҳтимол, номини, тушунчасини аниқ аташ ҳам осон бўлмаган қандай туғанмас бойлик кириб келаётир» — ушбу сатрлар адабиётшунос олим, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Иброҳим Ғафуровнинг «Дунёнинг турган битгани ирфон экан...» сарлавҳали мақоласидан олинган.

ISSN 0869-0723 ملاقات
МУЛОҚОТ 5'96 MULOQOT

Шунингдек, ушбу сонда Қозоқбой Йўлдошевнинг «Шахс — жамият ва маънавият бирлиги», Хайрулло Исматуллаевнинг «Византия тарихида Амир Темурнинг ўрни» сарлавҳали мақолалари чоп этилган. Журнал мухбирларининг Ўзбекистон «Пахтасаноатсотиши» уюшмаси раиси Эрқул Зикриёев ва Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси раҳбари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиги Маҳмуд Мирзаев билан суҳбатлари муштарий эътиборини ўзига жалб этиши табиий. Эркин Бобомуродовнинг «Сиёсий тафаккурнинг янгиланиши» мақоласи қизиқиш билан ўқилади. Журналист Ўрол Ўтаев ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳамро Эрматов билан суҳбати «Давр билан ҳамнафас» деб аталади. Булардан ташқари, журналда Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Абдулла Турдиев, Исмоил Тўхтамишев, Ўроқ Саидов, Йўлдош Эшбек шеърлари, Ориф Усмоннинг рубоийлари берилганки, уни Амир Темур шарафига мушоира деб атаса бўлади. Айни пайтда санъатшунос Норсаид Ойдинов халқ рассоми Малик Набиев билан гурунглашиб Соҳибқирон сиймосини яратишга оид қизиқарли маълумотларни хабар қилади. «Мулоқот» дафинаси» рукни остида берилган ҳикоят ва ўгитлар ҳам Соҳибқирон бобомиз ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Журнал муқовасини ҳадислардаги муборак битиклар безаган.

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

ҲАДИСЛАР

• Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглар. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар.

• Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир.

• Ерни турли номларига қараб таниб олиш мумкин бўлганидек, дўстни ҳам дўстига қараб билиб олса бўлади.

• Кимгаки ақлу идрок насиб этилган бўлса, демак у омадлидир.

• Обрўли кишиларнинг хато ва камчиликларини кечиринглар, катта гуноҳлар бундан мустасно.

• Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни кўп бўлур.

• Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик.

• Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

• Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

• Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.

• Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

• Кимки менга келиб қўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади.

• Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

• Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

• Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

• Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

• Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

• Яхшини — ёмон кунда сина.

• Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

• Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узирини қабул қилади.

• Бугунги ишни эртага қолдирма.

• Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

• Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

• Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.

• Бошсиз мамлакат жонсиз танга ўхшайди. Бежон таннинг аҳволи вайронликка яқиндир.

• Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

• Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчуққа масхара.

Спорт

БОЛАЛАРГА ТЕННИС ЎРГАТИБ

Тошкентдаги «Юнусобод» теннис ўйингоҳи яна гавжумлашди. Бу сафар навбат болаларга берилди. Ҳаммага маълум ва машҳур «Стиморол» сақичларини ишлаб чиқарадиган «Ян Интернэшнл» фирмасининг кубоги учун мусобақа ташкил этилди. Мақсад, совғасига сақичлардан инъом этиб, болаларни теннис ўйинига қизиқтиришдан иборат. Мусобақа кўзланганидек 10-16 ёшли болаларда катта қизиқиш уйғотди. Чунончи Антон Кокурин билан Ирода Тўлаганова якка баҳсларда мутлақ ғолибликни қўлга киритишди. Шунингдек, Антон Кокурин билан Улуғбек Мусаев жуфтлик учрашувларида ҳам муваффақият қозондилар.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас» ва «Тико» машиналари ўзига хос синовдан ўтказилмоқда. Тошкентдаги бош кўргазмада ташкил этилган «Туризм — буюк ипак йўли бўйлаб» халқаро ярамаркасининг очилишидан кейин мазкур машиналарнинг узоқ масофали пойгасига старт берилди. Соатига 80 километр йўл босган машиналарнинг дастлабки тўхташ жойи Жаззахда бўлди. Пойгачиларни кутиб олиш маросимида шаҳар ҳокими С.Худоёров иштирок этди. Пойга машиналарида ўзаро алоқа бор. Улар мусобақанинг биринчи куни оқшомида Самарқандга кириб бордилар. Яна 5,5 минг километрли масофада Навоий, Бухоро каби ўнлаб шаҳарлар босиб ўтилади.

Янги Мехико. Кларет кактуси шундай гуллайди.

Жерри СИИВ олган сурат.

Хорижда

АФСУС БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Японияннинг об-ҳавони ўрганиш бошқармаси эълон қилган маълумотларга қараганда, Антарктика устидаги атмосфера қатламларида озон кескин камайиб, илгари қайд қилинган энг юқори кўрсаткичлардан ҳам ошиб кетган.

Маълумки, Антарктика устидаги озон туйнуклари 1981 йилда топилган бўлиб, у вақтларда катта хавф туғдирмаган эди. Хозир бу туйнук кенглиги бутун музли қитъадан 1,8 баробар ошган. Япон мутахассислари бу янгиликни эълон қилар экан, ҳавони ифлослантирмай яшаш йўллари ҳали ихтиро қилинмаганини афсус билан қайд этадилар.

КЎПЧИЛИК ХАЙРИХОҲ

Яқинда Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ва Курдистон демократик партияси раҳбари Масъуд Барзоний ўртасида мамлакат шимолида курдлар бошқарадиган минтақани ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланган эди. Бунга кўпчилик хайрихоҳлик билдирмоқда.

Маълумки, Форс кўрфазидаги урушдан кейин Ироқ шимолида Курд мухториятига асос солинган бўлиб, ҳанузгача ҳукумат томонидан эътироф этилмаётган эди.

Миттти юлдузлар

УЙҒОТИШ ФАСЛИНИНГ НИҲОЛИ

Дунёда кишиларни ҳайратга солувчи истеъдодлар, мўъжизалар кўп бўлган. Санъат майдонида эса ким-кимлар от сурмайди ва саноқлиларгина ўзининг ўзгачалигини исботлаб бера оладилар. Қаҳрамонимиз ҳақида балки баландпарвоз сўзларни айтиш жоизмасдир. Бироқ, мен у ҳақидаги «Шоҳсанам» видеотасвирини кўриб истеъдод 99 фоиз туғма бўлишига амин бўлдим. Эндигина ўн икки баҳорнинг яшил остонасидан ҳатлаётган, «Одамлар, мени қабул қилинг» дея ҳайқираётган бу иқтидор соҳибаси балки ўзбек санъати кўшкининг муносиб маликаси бўлар. Унинг энг аввало руҳига, ҳайратларига эрк бериши, ҳеч зўриқмасдан эркин куйлаши ҳар қандай тошдил одамни ҳам қалбида қизиқиш, илиқлик ва муҳаббат уйғотиши табиий. У қўшиқ айтганда, рақс тушганда, вужудингизни саҳаррез наволар аллалагандай лаззат дангизига ғарқ бўласиз. Буни-да чинакам истеъдод, чинакам санъат, дейдилар.

* * *

Шоҳсанам Холиқова сизга бегона эмас, балки уни биларсиз, кўргандирсиз. Ойнаи жаҳонда, матбуотда у ҳақда айтганларини, ёзганларини эшитгансиз, ўқигансиз. Болаларча бокиралик, катталардай улуғворлик унинг мурғаккина юрагида уйғунлашиб кетганлигини сиз ҳам дилдилингиздан ҳис қилгансиз. У қўшиқ айтаётганда, назаримда, учиб юргандай туюлади. Ўзидан шу ҳақда сўраганимда.

«— Ҳа, қўшиқ айтаётганимда, рақс тушаётганимда тамоман бошқа дунёларга сайр қиламан. Руҳим ростдан парвоз қилади. Мен ижод қилганимда ўзимни унутаман. Фақат ва фақат шунга бериламан».

— Ўзинг ҳақингда гапириб бер?

— Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани 249-мактабнинг инглиз тилига ихтисослашган гуруҳида, шунингдек, 29-мусиқа мактаби фортепиано гуруҳида сабоқ оламан. Шу билан бирга Республика телерадиокомпанияси қошидаги «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамблида қатнашаман.

— Ҳаммасига қандай улгурасан?

— Агар одамда бир нарсага астойдил меҳр, қизиқиш бўлса у ҳамма нарсага улгуради.

— Устозларинг кимлар?

— Энг биринчи онам! Мен ҳамиша онамга таъзим қиламан. Агар нимагаки эришган бўлсам бунда онамнинг хизмати катта. Устозларим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Абдуллаева, Мухтабар Йўлдошева, Сайёра Олтинбоева. Булар менинг энг яқин маслаҳатчим, онамдек азиз кишиларим.

— Рақс тушиш, қўшиқ айтиш, шеър ёзиш, бастакорлик толиқтириб қўймайдими?

— Йўқ, аксинча. Мазза қиламан. Қолаверса, бу учаласи ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Рақс тушган қўшиқни, қўшиқ айтувчи куйни, куйни севмаган ижодкор шеърни севмаса у сохта ижодкор.

У билан суҳбат асносида яна бир бора англадимки, тинимсиз изланиш истеъдод қиррасини чархлайди, унинг янги-янги уфқларини очади.

Шоҳсанамнинг онаси Дилором опанинг фарзандининг камолоти йўлида елиб-югуришини, фидойилигини кўриб жаҳондаги энг юксак даҳоликнинг, буюкликнинг ҳам аввал тарбиячиси аёл эканлигидан тўлқинланиб кетасан. Балки у Ўзбекистоннинг бўлажак Ҳалимахонимини, Тамарахонимини, Муножотини улғайтираётгандир. Балки Шоҳсанам, Ватанимиз номини жаҳон санъати майдонида муқаддас туғ янглиғ байроқ қилар. Ҳар не бўлганда ҳам бу кун, бу лаҳза, шунга умид бор. Балки бул хаёлмасдир, ҳақиқатдир, балки...

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАРҚ МАШЪАЛИ

Инсонларни қилар мафтун.
Ҳур ўлкамнинг жамоли.
Замин кенгдир, бағри
бутун,
Истиқлолдан камоли.

Қадамидан олов чақнар
Қадами қутлуғ диёр.
Манглайида юлдуз порлар
Мақсади улуғ диёр.

НАҚОРАТ:
Шарқ машъали юрт
жонажон,
Қаддин ростлайди шоён
Бир ўлкаки, жаннатмакон —
Толеи шон, ажиб бўстон.
Ватанимдир — Ўзбекистон!
Сенга фидо — азиз жон!

Ҳалол меҳнат топар обрў,
Ҳаёт жўшқин диёрда.
Ҳар юракда эзгу орзу —
Эрку бахт ихтиёрда.

Бахтиёр эл, бунёдкор эл,
Яшнайвергин то абад
Орзу иқбол барқарор эл,
Яшайвергин то абад.
НАҚОРАТ:
Рустам ХЎЖАЕВ.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг пул-ютуқли «ХАЗИНА» лотереясини сотиб олингиз!

Лотереянинг баҳоси 25 сўм

Ушбу лотерея ўйинида:

5та	1000000	сўмлик
10та	700000	сўмлик
5та	200000	сўмлик
5та	100000	сўмлик
5та	50000	сўмлик
10та	20000	сўмлик
25та	10000	сўмлик
50та	5000	сўмлик

ВА ҲОКАЗО ЮТУҚЛАР БОР!

Лотереяни тиражи 1996 йил 29 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.
Тиражда 50 миллионлик ёки 493165 дона ютуқлар бор.
Лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси, миллионер бўлиб энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз.
Лотереядан тушган даромад нафақат Амир Темур, темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш,уни кенг тарғиб этиш, ўша замонларда бунёд этилган обидаларни тиклаш ва таъмирлашга, балки ота-боболаримизнинг улкан меросини халқимизга етказиб беришдек хайрли ишларга ва Халқ банки ривожланиши учун сарф этилади.
Уни Халқ банкларининг барча бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ ВА ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»), Салим АШУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0492

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.50
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Китоб жавонингизга

ЧЎЛИ ОТА ВА БОШҚАЛАР

Қадриятпарвар сиёсат туфайли тарихимиз зарварақлари билан танишиб боряпмиз. Зеро, иқтидорли журналист Юсуф Бердиевнинг «Қашқадарё қаҳрамонлари» номли очерк, мақола ва лавҳалар тўпламини ҳар бири алоҳида китоб қилишга арзигулик элдошларимизнинг қадр-эъзозини ўз ўрнига қўйишдаги савобли саъй-ҳаракат дейиш ўринли бўлар.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига «Чўлпон» нашриётида чоп этилган мазкур китобнинг аввало муқовасию безаклари кишини ўзига жалб этади. Ҳар бир мақола қаҳрамонларининг таниқли рассом Маҳмуд Жўраев чизган портрет-суратлари биз билан бир асрда яшаган, меҳнат майдонининг ҳақиқий қаҳрамонларининг табиий ифодаси сифатида ўқувчи кўз ўнгида жонлангандек бўлади. Ана шу суратларга ҳамоҳанг афсонавий халқ ирригатори Чўли ота Бегимқулов, элим деган Жўра Элбоев, китоблик Каромат Рустамова, Қашқадарёнинг ҳевалик фарзанди Рўзмат Ғойибов, ерпарвар Эргаш Умиров, заҳоҳал қиз Зайнаб Ҳушимова, содданинг соддаси, моҳир чорвадор Рустам Сиддиқов, деҳқон қизи Маҳкамой Ҳазратқулова, камтарин газчи Жума Қурбонов... (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) сингари машҳур пахтакорлар, чорвадорлар, газчи ва етакчилар ҳақидаги қизиқарли, мақолалар китобхонни эътиборсиз қолдирмайди.

Муаллиф қиркдан ортиқ қаҳрамонлар ҳаёти, фаолияти, уларнинг оила, турмуш ташвишлари, ўй-хаёллари, орзу-истакларини қаламга оларкан, ҳар бир мақолада имкон қадар турли йўналиш, айрича ёндашиш билан воқеа-ҳодисалар баёнчиси ёки иштирокчиси бўлиб қаҳрамонининг биз билмаган, аммо ҳамиша билишга қизиққан ўзга дунёсини рўй-рост кўрсатишга интилади. Шу боис ҳам ҳар бир мақола қалбингизга тезда жо бўлади ва узоқ вақтгача хаёлингизда муҳрланиб қолади. Тўпламни Амир Темурдек буюк давлат арбоби ва саркарда туғилган табаррук юрт қаҳрамонлари ҳақидаги таъбир жоиз бўлса, фахрия дейиш мумкин. Қолаверса, мазкур китоб тарбиявий қадриятларни ўзида мужассам этган, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган машҳур юртдошларимизни замондошларимизга, айниқса ёшларга, келажак авлод вакилларига таништиришни, тарғиб қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билган ва ўйлаймизки бунга эришган ҳам.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ЛИТВАДА
Янги "ВАЗ"лар
053-4800$
074-5300$
093-6400$
099-6600$
1996 йилда ишлаб чиқарилган
Паневежикс шаҳри, Смелинуес кўчаси, 2с, "Эгзотика" фирмаси
Тел: (0125) 42-29-39, 46-14-91.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича

Қорақалпоқ раққосалари.

Еркин БОТИРОВ олган сурат.

БУ — ОСОН — ҚУЛАЙ — ФОЙДАЛИ!
"Ўзбекистон овози" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" нақд пулсиз ахборот, реклама ниҳоласи [illegible] реклама соҳасида [illegible] кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 341-хона.
Телефонлар: 33-79-14, 33-54-55.

Ангрен шаҳридаги 5-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Юсупов Ҳуршид Абдумажитович номига берилган 579320 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, «Илмнефтгаз» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув институти жамоаси геология ва минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, давлат ва И. М. Губкин номли мукофотлар лауреати, институтнинг бош илмий ходими **Обид Муродович АКРОМХЎЖАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

А. Р. Беруний номли ТошДТУнинг Нефть ва газ факультети раҳбарияти ва ходимлари факультет ПЭГ кафедрасининг мудири Баҳодир Алиевга отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори **Абдуғани АЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

УАЗ "ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни:

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*

ва уларнинг эҳтиёт қисмларини СОТАДИ.



Шошилинг, нархлари энг арзон!

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А.
Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ" компанияси
пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг **АИ-95**, Қозоғистоннинг **А-80, А-91** бензинини, дизель ёнилғисини (Қозоғистон) **СОТАДИ**
Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади. Кенг турдаги **автошиналар ва аккумуляторлар,** *Финляндиянинг* **15 W 40** *мотор мойи, Хитойнинг паркет лцнолеуми ҳам мавжуд.*

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59, ("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ") 1-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712) 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.